

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

РЕЖЕПБАЕВ ЖҰШҚИН ЭГАМБЕРГЕНОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДАГИ ЁШ
БУЗОҚЛАР А ВА D- ГИПОВИТАМИНОЗЛАРИДА ЯНГИ
ПОЛИВИТАМИНЛИ ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
САМАРАДОРЛИГИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Режепбаев Жўшкин Эгамбергенович

Қорақалпоғистон республикаси шароитидаги ёш бузоқлар А ва
D- гиповитаминозларида янги поливитаминли препаратларни
қўллаш самарадорлиги..... 3

Режепбаев Жўшкин Эгамбергенович

Эффективность применения новых поливитаминных препаратов при
гиповитаминозах А и D в условиях республики Каракалпакистан
..... 23

Rejebbayev Jushkin Egambergenovich

Effectiveness of the use of new multivitamin preparations for
hypovitaminosis A and D in the conditions of the republic of
Karakalpakistan..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

РЕЖЕПБАЕВ ЖЎШҚИН ЭГАМБЕРГЕНОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДАГИ ЁШ
БУЗОҚЛАР А ВА D- ГИПОВИТАМИНОЗЛАРИДА ЯНГИ
ПОЛИВИТАМИНЛИ ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
САМАРАДОРЛИГИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/V123 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ssuv.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фарманов Низом

ветеринария фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Салимов Юнус

ветеринария фанлари доктори, профессор

Юлдашов Соатбой Жиянбоевич

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019V.12.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «17» 09 соат «15⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: (ssuv@edu.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14327 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2024 йил «28» 08 кун тарқатилди.
(2024 йил «28» 08 даги № 12 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпгина чорвачилик ривожланган давлатларида ёш ҳайвонларнинг модда алмашинуви бузилишлари, хусусан гиповитаминозлар оқибатида ўсишдан қолиш, табиий резистентликнинг пасайиши, турли касаликларга чидамсиз бўлиши қорамолчилик фермер хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтиради. «Ҳайвонларда ретинол етишмовчилиги тери ва шиллик пардаларнинг қуруқлашиши, тери эластиклигининг пасайиши, тери қопламасининг хурпайиши, ялтироқлигининг пасайиши ва синувчан бўлиши, алопеция, ўсишдан қолиш, нафас ва овқат ҳазм тизими касалликларининг ривожланиши, конъюнктивитлар, гемеролопия, ксерофтальмия, кўпайиш органлари фаолиятининг бузилиши, эмбрионал абортлар, ҳомла пардасининг ушланиб қолиши, организмнинг умумий резистентлигининг пасайишига сабаб бўлади»¹. Бу эса ўз навбатида поливитаминли ва минералли препаратларни қўллашга эҳтиёж туғдиради. Ветеринария амалиётида метаболизм бузилиши патологияларини даволаш ва олдини олиш учун поливитаминларни қўллаш ҳамда ҳайвонлар организмга таъсирини аниқлаш муҳим долзарб ҳисобланади.

Дунёнинг қорамолчилик хўжаликларида парвариш қилинаётган буғаз ҳайвонларга ушбу ҳудудлардаги ноқулай экологик муҳитнинг таъсири, улардан туғилган ёш бузоқлар организмда А ва D гиповитаминозлар ривожланишига замин яратмоқда. «D витамин етишмовчилиги - ёш ҳайвонларда ўсиш ва ривожланишдан қолиш, суякларнинг деформацияси ва юмшоқ бўлиши (рахит), катта ҳайвонларда охириги дум умуртқаларининг минералсизланиши, кесувчи тишларнинг қимирлаши каби остео дистрофия белгилари кузатилади»². Шу боисдан ветеринария амалиётда ўз ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири бўлган ҳайвонлар гиповитаминозларни даволаш ва профилактика қилишда самарали поливитаминли препаратларни танлаш ҳамда уларни ишлатиш тартиби ва усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Республикамызда чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қорамолчиликни ривожлантиришда зотли ҳайвонлар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ҳамда улардан соғлом ва ҳаётчанлиги юқори бўлган бузоқлар олиш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек ёш ҳайвонларда учрайдиган гиповитаминозларни профилактика қилиш, уларда ўсиш ва ривожланишни стимуллаш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш мақсадида поливитаминлар кенг қўлланилмоқда. Ветеринария амалиётида юқори самарадор, организм учун хавфсиз поливитаминли препаратларни ҳайвонларга қўллаш ва уларга таъсирини баҳолаш илмий - амалий аҳамиятга эга.

¹Шербаков Г.Г. Внутренние болезни животных. Лань. 2002. -С. -736.

²Njeru C.A. et al. Assessment of vitamin E nutritional status in sheep // J. Anim. Sci. -1994.- Vol. 72.- P.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида³ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4841-сон ва 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳайвонларда гиповитаминозларнинг этиологияси, симптомлари, патогенези ва гуруҳли профилактикаси бўйича хорижий муаллифлардан Е.И. Кулешов, А.С.Дегтярь, В.Н. Нефедова, В.В.Федюк, С.В.Семенченко, Д.В. Воронов, И.Н.Никитин, Е.В.Наздрачева, А.Ф.Сапожников, И.П.Кондрахин, С.С. Mason, В. Hill, М. Clagett-Dame, J.V.Donkersgoed, L.M.Santos, G.Puvogel, He.Xiuyuan, С.Л.Waldner, J.W.Tyler, L.A.Krueger, М.А.Медведева, А.А.Козлов, В.Т.Самохинлар, Республикамиз олимларидан Қ.Н. Норбоев, Б. Бакиров, Б.М. Эшбуриев, С.Б. Эшбуриев ва бошқалар томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитидаги бузоқларда А ва D гиповитаминозларни даволаш ва олдини олишда янги поливитаминли перипаратларнинг фармакотерапевтик таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали билан «Амир оқ чашма» МЧЖ ўртасида тузилган «Қорақалпоғистон Республикаси шароитидаги ёш бузоқлар А ва D гиповитаминозларида янги поливитаминли препаратларни қўллаш самарадорлиги» мавзуси бўйича шартнома (№ 06. 2020-2023 йй.) асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бузоқлар А ва D гиповитаминозларида янги поливитаминли препаратларнинг таъсирини фармакотерапевтик жиҳатдан баҳолаш.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари шароитидаги бузоқларда А ва гиповитаминозларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;

А ва D гиповитаминозлар пайтида TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқларни клиник кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга қаратилган тажрибалар ўтказиш;

А ва D гиповитаминозларида TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқларда қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

бузоқларда А ва D гиповитаминозларни даволаш ҳамда гуруҳли олдини олишда TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг фармакотерапевтик таъсирини ўрганиш;

бузоқларда А ва D гиповитаминозларни даволаш ҳамда гуруҳли олдини олишда поливитаминли препаратларни қўллаш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларига жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққала, Беруний, Нукус ва Шуманай туманларининг қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитида парвариш қилинаётган бузоқлар, улардан олинган қон намуналари, TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажрибалар ўтказилган фермалардаги бузоқларнинг клиник кўрсаткичлари, қон намуналарининг морфо-биокимёвий текширишлардаги ҳолати ва ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси, увиз сути ва сутнинг биокимёвий кўрсаткичлари, ҳамда тажрибадаги бузоқлар тана вазни олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда бузоқлар А ва D-гиповитаминозларини аниқлаш учун клиник, морфологик, биокимёвий ва микроскопик, рефрактометриқ текшириш ҳамда статистик ишлов бериш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси қорамолчилик хўжаликлари шароитидаги бузоқларда А ва D гиповитаминозларнинг этиологиясида уларга бериладиган увиз сутидаги ретинол миқдорининг меъёрга нисбатан ўртача 0,42 мкг% га, токоферолни 0,5 мкг% га, умумий кальцийни 7 мг% га камлиги илмий асосланган;

Бузоқларнинг А ва D гиповитаминозларида TRIVITAMIKS препаратининг қўлланилиши назорат гуруҳига нисбатан пульс ($129,3 \pm 2,32$ ва $115 \pm 5,43$) ва нафас ($29,6 \pm 2,75$ ва $35,6 \pm 1,77$) ҳамда тана ҳароратининг ($39,3 \pm 2,15$ ва $39,5 \pm 2,82$ °C) физиологик меъёрлар даражасида яхшиланишига, тана вазнининг 15,5 ва 14,3 кг га ошишига олиб келиши аниқланган;

TRIVITAMIKS препарати оқ сичқонларга 0,6 мл/бош дозада қўлланилганда захарланиш ва ўлим ҳолатлари кузатилмаганлиги аниқланган;

TRIVITAMIKS препаратининг бузоқлар А ва D гиповитаминозларида қўлланилиши қондаги гемоглобин миқдорини назоратга нисбатан 23,63 ва 22,3 % га, глюкозани 48,8 ва 7,9 % га, қон зардобидидаги умумий оксилни 30,57 ва 26,44 % га, ретинолни 60 % га ошиши, ишқорий фосфатаза ферменти фаоллигини 51,3 % га камайиши илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчиликка асосланган фермер хўжаликларидаги бузоқларда А ва D гиповитаминозларнинг келиб чиқиш сабаблари уларга берилаётган сути таркибидаги ретинолни 47,7 % га, токоферолни 6 % га, ҳамда умумий кальцийни 5,9 % га кам эканлиги аниқланган;

бузоқларда А ва D гиповитаминозлар пайтида кузатиладиган ўзига хос клиник, гемоморфологик ва гемобиокимёвий ўзгаришлар илмий асосланган;

бузоқларда А ва D гиповитаминозларни даволаш ва гуруҳли олдини олишда TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратлари синовидан ўтказилган ва уларнинг фармакотерапевтик таъсир хусусиятлари баҳоланган;

бузоқларда А ва D гиповитаминозларни даволаш ва гуруҳли олдини олишда TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларини қўллаш бўйича амалий тавсиянома ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, гемоморфологик, гемобиокимёвий усуллардан фойдаланиш ва бошланғич маълумотларга ишлов бериш, шунингдек, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, шунингдек, лаборатория ва дала тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги, илмий ишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бузоқларнинг А ва D-гиповитаминозларида поливитаминли препаратларни фармакотерапевтик баҳолаш бўйича синов тажрибалари ўтказилганлиги, бузоқлар организмдаги клиник, гемоморфологик ва гемобиокимёвий ўзгаришлар таҳлил қилинганлиги, даволаш ва олдини олишда янги поливитаминли препаратларнинг самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Қорақалпоғистон Республикасининг фермер хўжаликлари шароитида бузоқлар орасида А ва D- гиповитаминозларни келиб чиқиш сабабларини аниқланганлиги, ушбу касалликни даволашда ва олдини олишда янги TRIVITAMIKS ва INTROVIT поливитаминли препаратларнинг таъсири ўрганилиб амалиётга жорий қилиниши натижасида бузоқларнинг соғайиши, ўсиш ва ривожланишининг яхшиланиши орқали чорва фермер хўжаликларида етказилаётган катта иқтисодий зарарнинг олди олинганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси шароитидаги ёш бузоқлар А- ва D- гиповитаминозларида янги поливитаминли препаратларни қўллаш самарадорлиги бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қорақалпоғистон Республикаси шароитидаги ёш бузоқлар А- ва D- гиповитаминозларида янги поливитаминли препаратларни қўллаш самарадорлиги бўйича тавсиялар» тасдиқланган, ветеринария амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 02 февралдаги 33/01-05-119-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш ҳисобига ёш бузоқларни А ва D- гиповитаминозларни даволаш ва олдини олишда юқори самарадорликка эришилган;

Ёш бузоқларда А ва D- гиповитаминозларни даволашда TRIVITAMIKS препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда қўллашга асосланган даволаш усули Қорақалпоғистон Республикаси шароитидаги қорамолчилик фермер хўжаликларида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 02 февралдаги 33/01-05-119-сон маълумотномаси). Ушбу даволаш усули энг самарали усул эканлиги аниқланиб, ҳар бир бузоқ ҳисобига ўртача 1095730,8 сўмдан иқтисодий самара олиш имконини беради ва бунда харажатлар қоплами 5,24 сўмни ташкил этган.

Ёш бузоқларда А ва D- гиповитаминозларнинг олдини олишда TRIVITAMIKS препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта, 1-ойлигигача 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда ичириш, 2-ойлигида 1,5 мл ва 3-ойлигида 2 мл дан мускул орасига юборишга асосланган олдини олиш усули Қорақалпоғистон Республикаси шароитидаги қорамолчилик фермер хўжаликларида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 02 февралдаги 33/01-05-119-сон маълумотномаси). Ушбу олдини олиш усулининг самарадорлиги юқори бўлиб бузоқларнинг кунлик тана вазнининг ўсиш фарқи назоратга нисбатан 56,75% (3,25 ўрнига 15,5 кг) ни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 5 та жумладан, 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 та республика илмий журналларида ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома тайёрланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар маълумотларининг таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи қисмида Витаминлар ҳақида умумий тушунча ҳамда уларнинг ҳайвонлар организмига таъсир механизмига оид республикамиз ва дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. Иккинчи қисмида А ва D- гиповитаминозларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш механизми тўғрисидаги илмий адабиётлар маълумотлари баён этилган. Учинчи қисмида витаминли препаратларнинг ҳайвонлар организмига таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Тўртинчи қисмида А ва D- гиповитаминозларни даволаш ва олдини олишда поливитаминли препаратлар самарадорлиги бўйича илмий-амалий ва назарий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқотлар 2020-2023 йилларда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиалининг «Ветеринария ва озиқ овқат хавфсизлиги» кафедрасида, Қорақалпоғистон Республикаси Эликқалла туманидаги «Амир оқ чашма» МЧЖ, Нукус туманидаги «Қўнғиратбай-Меҳри» МЧЖ, Амударё туманидаги «Полвонбой овули» МЧЖ ва Беруний туманидаги «Файзуллаев Азизбек Лазизбек» чорва фермер хўжаликларида олиб борилди.

Бузоқлар орасида А ва D- гиповитаминозларнинг сабаблари, ривожланиш механизми, клиник белгилари, қондаги морфобиокимёвий ўзгаришларни ўрганиш мақсадида фермер хўжаликларидаги бузоқлар ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида клиник ва улардан олинган қон намуналари лаборатор текширишлардан ўтказилди.

Лаборатория текширишлари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида жойлашган «АТА-АНА» медициналық орайы лабораториясида ўтказилди.

Диссертациянинг «**Бузоқларнинг А ва D- гиповитаминозларида TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларини фармакотерапевтик самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари**» деб номланган учинчи бобида ўтказилган тажриба натижалари баён этилган.

Бузоқларга берилётган увиз сутининг кимёвий таркиби ва биологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида, хўжаликлардаги сигирларнинг туққандан кейинги бир, уч ва еттинчи кунларида соғиб олинган увиз сутининг кимёвий таркиби текширилди.

Тажрибадаги бузоқларга берилётган увуз сути ва сутнинг таркибида ретинолнинг 0,42 мкг% га, токоферолнинг 0,5 мг% га, умумий оқсилнинг 2,8 % га, умумий кальцийнинг 4,6 мг% га, анорганик фосфорнинг 7,2 мг% га паст эканлиги, ҳамда сигирларни буғозлик даврида тўйимлилиги паст рационда боқиш, яйратиш майдони ва куёш нурларининг етишмаслиги аниқланди.

Иккинчи бўлимида ҳайвонларга қўлланилган поливитамиинлар TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратлари таркибидаги биологик фаол моддаларнинг ҳайвонлар организмга формакотерапевтик самарадорлиги, метаболизмдаги ўрни, ҳайвонлар организмдаги биокимёвий жараёнлардаги роли келтирилган.

TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларини таркибига асосланиб бузоқларда А- ва D- гиповитаминозларни даволаш ва олдини олишда поливитамиинларни формакотерапевтик самарадорлигини аниқлашга қаратилган тажрибаларни ўтказишга қарор қилинди.

Учинчи бўлимида TRIVITAMIKS препаратини ҳайвонларга ичиришнинг токсиклик хусусиятини аниқлаш учун синов тажрибалари берилган бўлиб, экспериментал синов тажриба ишлари “Ўзбиокомбинат” қўшма корхонаси вивариясининг базасида сақланаётган 2 ойлик, тана вазни 18-20 г бўлган оқ сичқонларда ўтказилган, препарат оқ сичқонларга 0,6 мл/бош ёки 30 мл/кг дозада қўлланилганда заҳарланиш ва ўлим ҳолатлари кузатилмаганлиги ҳақидаги тажриба натижалари келтирилган.

Тўртинчи бўлимида А- гиповитаминозни даволашда қўлланилган TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқларнинг клиник кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга қаратилган даволаш тажрибаларининг натижалари келтирилган. Тажрибалар «Амир оқ чашма» МЧЖ шароитидаги А- гиповитаминоз билан касалланган 9 бош Гольштейн зотли бузоқларда ўтказилди. Улар 3 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳи, биринчи ва иккинчи гуруҳлар тажриба гуруҳлари бўлиб хизмат қилди.

Тажрибалар 30 кун давом этди. А гиповитаминозни даволаш тажрибалари давомида касал бузоқлар тажрибалар бошида ва ҳар 10 кунда бир марта клиник текширишлардан ўтказилиб турилди.

Назорат гуруҳидаги бузоқлар хўжалик рационидида озиклантирилди.

Бузоқларни клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики даволашнинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,8 \pm 1,11$ °С, 10-кунда $39,6 \pm 1,27$ °С, 20-кунда $39,5 \pm 1,41$ °С ва 30-кунда $39,2 \pm 1,23$ °С ни, пульс сони шунга мос равишда $136,6 \pm 3,25$, $134,3 \pm 5,73$, $132,6 \pm 3,48$ ва $128,6 \pm 2,92$ марта/дақиқани, нафас сони $34,3 \pm 1,48$, $34,6 \pm 1,72$, $32,6 \pm 2,15$ ва $32,3 \pm 1,18$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$), иштаҳаси пастлиги даволашнинг боши ва 10-кунда 33,3%, 20- ва 30-кунларида 66,6% ни ташкил этди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда TRIVITAMIKS препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда қўлланилди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики даволашнинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,7 \pm 2,27$ °С, 10-кунда $39,5 \pm 3,21$ °С, 20-кунда $39,5 \pm 2,48$ °С ва 30-кунда $39,3 \pm 2,15$ °С ни, пульс сони шунга мос равишда $129,3 \pm 3,45$, $129,6 \pm 5,63$, $128,6 \pm 3,18$ ва $129,3 \pm 2,32$ марта/дақиқани, нафас сони $33,3 \pm 1,38$, $33,6 \pm 1,52$, $29,6 \pm 2,75$ ва $29,3 \pm 1,58$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$),

иштаҳаси пастлиги даволашнинг бошида 66,6%, 10-кунида 33,3%, 20- ва 30-кунларида кузатилмаганлиги қайд этилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда INTROVIT препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 5 мл дан мушкул орасига юборилди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики даволашнинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,9 \pm 2,75$ °С, 10-кунида $39,6 \pm 3,29$ °С, 20-кунида $39,4 \pm 2,84$ °С ва 30-кунида $39,1 \pm 2,57$ °С ни, пульс сони шунга мос равишда $134,3 \pm 3,75$, $133,6 \pm 5,33$, $134,3 \pm 3,28$ ва $133,6 \pm 2,12$ марта/дақиқани, нафас сони $32,6 \pm 1,28$, $32,3 \pm 1,42$, $31,3 \pm 2,65$ ва $30,6 \pm 1,88$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$), иштаҳаси пастлиги даволашнинг боши ва 10-кунида 33,3%, 20- ва 30-кунларида кузатилмаганлиги қайд этилди.

А гиповитаминозни даволашнинг 30-кунида ўтказилган клиник текшириш натижалари асосида назорат гуруҳидаги бузоқларни характерли клиник белгиларидан иштаҳаси пастлиги тажрибанинг боши ва 10-кунида 33,3%, 20- ва 30-кунларида 66,6% ни, кўздан ёш оқиши тажрибанинг бошида кузатилмади, 10-кунида 33,3%, 20- ва 30-кунларида 66,6% ни, қоронғуликка мослашишнинг пасайиши (гемералопия) тажрибанинг боши, 10- ва 20-кунларида кузатилмади, 30-кунида 33,3% ни ташкил этди. TRIVITAMIKS препарати қўлланилган биринчи гуруҳдаги бузоқларда тажрибаларнинг охирига келиб, ушбу клиник белгиларнинг кузатилмаганлиги аниқланди. Ушбу гуруҳда бузоқларнинг кунлик тана вазнининг ўсиш фарқи назоратга нисбатан 59,8% (3,2 ўрнига 15,5 кг) га юқори бўлди.

Ушбу бобнинг бешинчи бўлимида А- гиповитаминозни даволашда қўлланилган TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқлар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга қаратилган даволаш тажрибалари «Амир оқ чашма» МЧЖ шароитидаги А гиповитаминоз билан касалланган 9 бош 3 кунлик Гольштейн зотли касал бузоқларда ўтказилди. Улар 3 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳи, биринчи ва иккинчи гуруҳлар тажриба гуруҳлари бўлиб хизмат қилди. Тажрибалар 30 кун давом этди.

А гиповитаминозни даволаш тажрибалари давомида касал бузоқлар бошида ва ҳар ўнинчи кунларда қон намуналари лаборатор текширишлардан ўтказилиб турилди.

Назорат гуруҳидаги бузоқлар хўжалик рационидида озиклантирилди.


Назорат гуруҳидаги бузоқлар қон намуналаридаги эритроцитлар сони даволашнинг бошида ўртача $4,83 \pm 0,02$ млн/мкл, 10-кунида $4,82 \pm 0,5$ млн/мкл, 20-кунида $4,80 \pm 0,07$ млн/мкл ва 30-кунида $4,79 \pm 0,09$ млн/мкл (меъёр 5,0-7,5 млн/мкл) ни, лейкоцитлар сони шунга мос ҳолда $7,17 \pm 2,27$, $7,25 \pm 0,45$, $7,32 \pm 0,61$ ва $7,24 \pm 0,12$ минг/мкл (меъёр 4,5-12,0 минг/мкл) ни, гемоглобин миқдори $97,2 \pm 3,58$, $96,8 \pm 2,84$, $96,9 \pm 2,71$ г/л ва $96,6 \pm 2,12$ г/л (меъёр 99-129 г/л) ни, глюкоза миқдори $2,17 \pm 0,06$, $2,16 \pm 0,03$, $2,18 \pm 0,05$ ва $2,20 \pm 0,07$ ммоль/л (меъёр 2,22-3,33 ммоль/л) ни, умумий оқсил миқдори $62,28 \pm 3,31$, $62,56 \pm 2,46$, $63,47 \pm 0,54$ ва $65,14 \pm 4,72$ г/л (меъёр 72,0-86,0 г/л) ни, ретинол миқдори $11,48 \pm 2,24$, $11,66 \pm 3,47$, $11,87 \pm 5,75$ ва $12,49 \pm 4,42$ мкг% (меъёр 16,2-18,4 мкг%) ни, каротин миқдори $0,27 \pm 0,04$, $0,27 \pm 0,07$, $0,29 \pm 0,08$ ва $0,30 \pm 0,04$ мг% (меъёр 0,1-1,0 мг%) ни ($P < 0,001$; $P < 0,01$; $P < 0,05$) ташкил этди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда TRIVITAMIKS препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда ичирилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги бузоқлар қон намуналаридаги эритроцитлар сони ўртача даволашнинг бошида $4,79 \pm 0,07$ млн/мкл, 10-кунида $4,87 \pm 0,05$ млн/мкл, 20-кунида $4,94 \pm 0,03$ млн/мкл ва 30-кунида $5,16 \pm 0,08$ млн/мкл ни, лейкоцитлар сони шунга мос равишда $8,22 \pm 2,24$, $8,35 \pm 0,41$, $8,12 \pm 0,69$ ва $8,44 \pm 0,17$ минг/мкл ни, гемоглобин миқдори $96,7 \pm 3,48$, $98,4 \pm 2,24$, $99,76 \pm 2,54$ ва $103,16 \pm 2,32$ г/л ни, глюкоза миқдори $2,15 \pm 0,05$, $2,19 \pm 0,04$, $2,21 \pm 0,05$ ва $2,26 \pm 0,02$ ммоль/л ни, умумий оксил миқдори $11,35 \pm 3,61$, $15,26 \pm 2,26$, $15,92 \pm 0,34$ ва $16,44 \pm 4,22$ г/л ни, ретинол миқдори $18,98 \pm 2,84$, $21,46 \pm 3,77$, $25,78 \pm 5,35$ ва $34,52 \pm 4,12$ мкг% ни, каротин миқдори $0,28 \pm 0,07$ мг%, 10-кунида $0,35 \pm 0,03$, $0,52 \pm 0,08$ ва $0,66 \pm 0,05$ мг% ни ($P < 0,001$; $P < 0,01$; $P < 0,05$) ташкил этди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда INTROVIT препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 5 мл дан мускул орасига юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги бузоқлар қон намуналаридаги эритроцитлар сони даволашнинг бошида ўртача $4,81 \pm 0,02$ млн/мкл, 10-кунида $4,89 \pm 0,05$ млн/мкл, 20-кунида $4,98 \pm 0,03$ млн/мкл ва 30-кунида $5,21 \pm 0,08$ млн/мкл ни, лейкоцитлар сони шунга мос ҳолда $7,52 \pm 2,27$, $7,45 \pm 0,22$, $7,42 \pm 0,63$ ва $7,48 \pm 0,17$ минг/мкл ни, гемоглобин миқдори $95,9 \pm 3,42$, $99,2 \pm 2,55$, $102,6 \pm 2,86$ ва $105,28 \pm 2,25$ г/л ни, глюкоза миқдори $2,16 \pm 0,08$, $2,18 \pm 0,04$, $2,20 \pm 0,02$ ва $2,23 \pm 0,07$ ммоль/л ни, умумий оксил $64,57 \pm 3,51$, $66,36 \pm 2,64$, $69,28 \pm 4,42$ ва $71,83 \pm 3,52$ г/л ни, ретинол миқдори $11,33 \pm 2,45$, $14,65 \pm 3,17$, $15,82 \pm 5,57$ ва $16,29 \pm 4,22$ мкг% ни, каротин миқдори $0,26 \pm 0,04$, $0,30 \pm 0,07$, $0,38 \pm 0,08$ ва $0,43 \pm 0,04$ мг% ни ($P < 0,001$; $P < 0,01$; $P < 0,05$) ташкил этди (1-расм.).



1-расм. Бузоқлар А- гиповитаминозида қўлланилган TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқларда қоннинг морфобиокимёвий қураткичларига таъсирини ўрганиш натижалари

А гиповитаминозни даволаш тажрибаларида энг самарали деб топилган «TRIVITAMIKS» препаратини қабул қилган ёш бузоқлар қонининг морфо-

биокимёвий кўрсаткичлари тажриба охирига бориб назорат гуруҳига караганда эритроцитлар сонининг $4,79 \pm 0,09$ дан $5,16 \pm 0,08$ млн/мкл гача, гемоглобин миқдорини $96,6 \pm 2,12$ дан $103,16 \pm 2,32$ г/л гача, глюкоза миқдорини $2,20 \pm 0,07$ дан $2,26 \pm 0,02$ ммоль/л гача, қон зардобадаги умумий оксил миқдорини $65,14 \pm 4,72$ дан $72,44 \pm 4,22$ г/л гача, каротин миқдорини $0,30 \pm 0,04$ дан $0,66 \pm 0,05$ мг% гача, ретинол миқдорини $12,49 \pm 4,42$ дан $16,52 \pm 4,12$ мкг% гача ошганлиги кузатилди.

Ушбу бобнинг олтинчи бўлимида D - гиповитаминозни даволашда қўлланилган TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларини бузоқларнинг клиник кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга қаратилди ва тажрибалар учун «Амир оқ чашма» МЧЖ шароитидаги D- гиповитаминоз билан касалланган 9 бош 3 кунлик Гольштейн зотли касал бузоқларда ўтказилди. Улар 3 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳи, биринчи ва иккинчи гуруҳлар тажриба гуруҳлари бўлиб хизмат қилди. Тажрибалар 30 кун давом этди.

D- гиповитаминозни даволаш тажрибалари давомида касал бузоқлар бошида ва ҳар ўнинчи кунларда клиник текширишлардан ўтказилиб турилди.

Назорат гуруҳидаги бузоқлар хўжалик рациониди сақланди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики даволашнинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,6 \pm 1,54$ °C, 10-кунида $39,4 \pm 1,74$ °C, 20-кунида $39,3 \pm 1,15$ °C ва 30-кунида $39,4 \pm 1,37$ °C ни, пульс сони шунга мос равишда $116,3 \pm 3,28$, $114,6 \pm 4,33$, $112,3 \pm 3,29$ ва $110,3 \pm 2,94$ марта/дақиқани, нафас сони $37,3 \pm 1,57$, $36,6 \pm 1,34$, $36,3 \pm 2,52$ ва $34,6 \pm 1,48$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$), иштаҳаси пастлиги даволашнинг боши ва 10-кунида 33,3%, 20- ва 30-кунларида 66,6% ни ташкил этди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда TRIVITAMIKS препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда ичирилди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики даволашнинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,8 \pm 2,84$ °C, 10-кунида $39,7 \pm 3,61$ °C, 20-кунида $39,5 \pm 2,82$ °C ва 30-кунида $39,3 \pm 2,66$ °C ни, пульс сони шунга мос ҳолда $119,6 \pm 3,25$, $115,3 \pm 5,43$, $113,6 \pm 3,56$ ва $111,6 \pm 2,68$ марта/дақиқани, нафас сони $36,3 \pm 1,44$, $35,6 \pm 1,77$, $33,6 \pm 2,15$ ва $32,3 \pm 1,54$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$), иштаҳаси пастлиги даволашнинг бошида 66,6%, 10-кунида 33,3%, 20- ва 30-кунларида кузатилмаганлиги қайд этилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда INTROVIT препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 5 мл дан мускул орасига юборилди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики даволашнинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,7 \pm 2,51$ °C, 10-кунида $39,5 \pm 3,33$ °C, 20-кунида $39,4 \pm 2,45$ °C ва 30-кунида $39,2 \pm 2,67$ °C ни, пульс сони шунга мос равишда $114,6 \pm 3,85$, $112,3 \pm 5,13$, $110,6 \pm 3,38$ ва $109,3 \pm 2,67$ марта/дақиқани, нафас сони $37,3 \pm 1,49$, $36,6 \pm 1,81$, $35,3 \pm 2,15$ ва $34,6 \pm 1,38$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$), иштаҳаси пастлиги даволашнинг бошида 66,6%, 10- ва 20- кунларида 33,3%, 30-кунида кузатилмаганлиги қайд этилди.

D- гиповитаминозни даволаш натижалари шуни кўрсатдики, даволашнинг 30-кунида ўтказилган клиник текшириш натижалари асосида назорат гуруҳидаги ёш бузоқларнинг 33,3% да кўкрак қафасининг деформацияга учраши, иштаҳанинг пасайиши ва қисқа вақтли қалтироқлар,

66,6% да ҳаракатланишнинг оғриқли амалга ошиши каби клиник белгилар кузатилган бўлса, TRIVITAMIKS препарати қўлланилган биринчи гуруҳдаги бузоқларда ушбу клиник белгиларнинг кузатилмаганлиги қайд этилди. Ушбу гуруҳдаги бузоқларнинг кунлик тана вазнининг ўсиш фарқи назоратга нисбатан 53,7% (3,3 ўрнига 14,3 кг) га юқори бўлди.

Ушбу бобнинг еттинчи бўлимида D - гиповитаминозни даволашда қўлланилган TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқлар конининг морфобиокимёвий кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга қаратилди ва тажрибалар учун «Амир оқ чашма» МЧЖ шароитидаги D-гиповитаминоз билан касалланган 9 бош 3 кундик Гольштейн зотли касал бузоқларда ўтказилди. Улар 3 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳи, биринчи ва иккинчи гуруҳлар тажриба гуруҳлари бўлиб хизмат қилди. Тажрибалар 30 кун давом этди.

D гиповитаминозни даволаш тажрибалари давомида касал бузоқлар бошида ва ҳар ўнинчи кунларда қон намуналари лаборатор текширишлардан ўтказилиб турилди. Назорат гуруҳидаги бузоқлар хўжалик рационида озиклантирилди.


Назорат гуруҳидаги бузоқлар қон намуналаридаги эритроцитлар сони ўртача даволашнинг бошида $4,76 \pm 0,05$ млн/мкл, 10-кунида $4,75 \pm 0,02$ млн/мкл, 20-кунида $4,73 \pm 0,08$ млн/мкл ва 30-кунида $4,74 \pm 0,09$ млн/мкл ни, лейкоцитлар сони шунга мос ҳолда $7,35 \pm 0,28$, $7,42 \pm 0,65$, $7,37 \pm 0,51$ ва $7,34 \pm 0,29$ минг/мкл ни, гемоглобин миқдори $93,74 \pm 2,82$, $94,14 \pm 2,57$, $94,25 \pm 2,71$ ва $95,22 \pm 5,28$ г/л ни, глюкоза миқдори $2,12 \pm 0,06$, $2,13 \pm 0,02$, $2,13 \pm 0,08$ ва $2,14 \pm 0,05$ ммоль/л ни, умумий оксил миқдори $62,69 \pm 4,44$, $63,10 \pm 2,47$, $62,96 \pm 2,38$ ва $63,24 \pm 3,71$ г/л ни, ишқорий фосфатаза ферменти фаоллиги $1,51 \pm 0,04$, $1,57 \pm 0,02$, $1,59 \pm 0,07$ ва $1,63 \pm 0,03$ мкмоль.с/л (меъёр 0,4-1,4 мкмоль.с/л) ни, анорганик фосфор миқдори $1,25 \pm 0,57$, $1,23 \pm 0,94$, $1,26 \pm 0,38$ ва $1,24 \pm 0,14$ ммоль/л (меъёр 1,45-1,94 ммоль/л) ни, умумий кальций миқдори $2,17 \pm 0,12$, $2,18 \pm 0,24$, $2,17 \pm 0,15$ ва $2,16 \pm 0,28$ ммоль/л (меъёр 2,5-3,13 ммоль/л) ни ($P < 0,001$; $P < 0,01$; $P < 0,05$) ташкил этди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда TRIVITAMIKS препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда ичирилди.


Биринчи гуруҳидаги бузоқлар қон намуналаридаги эритроцитлар сони ўртача даволашнинг бошида $4,69 \pm 0,03$ млн/мкл, 10-кунида $4,87 \pm 0,08$ млн/мкл, 20-кунида $5,02 \pm 0,05$ млн/мкл ва 30-кунида $5,12 \pm 0,04$ млн/мкл ни, лейкоцитлар сони шунга мос ҳолда $8,12 \pm 0,67$, $8,25 \pm 0,27$, $8,17 \pm 0,49$ ва $8,22 \pm 0,65$ минг/мкл ни, гемоглобин миқдори $94,68 \pm 2,27$, $97,37 \pm 2,54$, $101,15 \pm 2,76$ ва $107,24 \pm 2,18$ г/л ни, глюкоза миқдори $2,14 \pm 0,08$, $2,19 \pm 0,02$, $2,23 \pm 0,04$ ва $2,36 \pm 0,05$ ммоль/л ни, умумий оксил миқдори $63,48 \pm 3,26$, $68,57 \pm 2,26$, $71,26 \pm 2,47$ ва $73,55 \pm 3,35$ г/л ни, ишқорий фосфатаза ферменти фаоллиги $1,53 \pm 0,05$, $1,45 \pm 0,07$, $1,33 \pm 0,04$ ва $1,28 \pm 0,06$ мкмоль.с/л ни, анорганик фосфор миқдори $1,23 \pm 0,25$, $1,31 \pm 0,34$, $1,49 \pm 0,75$ ва $1,62 \pm 0,35$ ммоль/л ни, умумий кальций миқдори $2,14 \pm 0,68$, $2,21 \pm 0,52$, $2,27 \pm 0,15$ ва $2,29 \pm 0,59$ ммоль/л ни ($P < 0,001$; $P < 0,01$; $P < 0,05$) ташкил этди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги бузоқларни даволашда INTROVIT препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта 1-ойлигигача 5 мл дан мукул орасига юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги бузоқлар қон намуналаридаги эритроцитлар сони ўртача даволашнинг бошида $4,72 \pm 0,05$ млн/мкл, 10-кунида $4,89 \pm 0,04$ млн/мкл, 20-кунида $5,11 \pm 0,07$ млн/мкл ва 30-кунида $5,23 \pm 0,09$ млн/мкл ни, лейкоцитлар сони шунга мос ҳолда $7,84 \pm 0,72$, $7,75 \pm 0,63$, $7,77 \pm 0,92$ ва $7,82 \pm 0,45$ минг/мкл ни, гемоглобин миқдори $92,8 \pm 2,71$, $98,67 \pm 2,84$, $109,34 \pm 2,56$ ва $115,85 \pm 2,67$ г/л ни, глюкоза миқдори $2,11 \pm 0,03$, $2,17 \pm 0,05$, $2,21 \pm 0,07$ ва $2,24 \pm 0,09$ ммоль/л ни, умумий оксил миқдори $64,27 \pm 3,63$, $67,88 \pm 2,57$, $70,34 \pm 2,29$ ва $72,10 \pm 3,62$ г/л ни, ишқорий фосфатаза ферменти фаоллиги $1,55 \pm 0,04$, $1,43 \pm 0,02$, $1,36 \pm 0,06$ ва $1,32 \pm 0,05$ мкмоль.с/л ни, анорганик фосфор миқдори $1,20 \pm 0,67$, $1,28 \pm 0,49$, $1,36 \pm 0,15$ ва $1,45 \pm 0,71$ ммоль/л ни, умумий кальций миқдори $2,12 \pm 0,25$, $2,16 \pm 0,62$, $2,21 \pm 0,78$ ва 30-кунида $2,23 \pm 0,17$ ммоль/л ни ($P < 0,001$; $P < 0,01$; $P < 0,05$) ташкил этди (2 ва 3-расмлар).



2-расм. TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратлари қўлланилган бузоқларда Д- гиповитаминозини даволаш тажрибаларида қон намуналарини морфобиокимёвий текшириш натижалари.



3-расм. TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратлари қўлланилган бузоқларда Д- гиповитаминозини даволаш тажрибалари пайтидаги қон намуналарини морфобиокимёвий текшириш натижалари

D гиповитаминозни даволаш тажрибаларида энг самарали деб топилган TRIVITAMIKS препаратини қабул қилган ёш бузоқлар қонининг морфо-биокимёвий кўрсаткичлари тажриба охирига бориб назорат гуруҳига караганда эритроцитлар сонининг $4,74 \pm 0,09$ дан $5,12 \pm 0,04$ млн/мкл гача, гемоглобин миқдорини $95,22 \pm 5,28$ дан $107,24 \pm 2,18$ г/л гача, глюкоза миқдорини $2,14 \pm 0,05$ дан $2,36 \pm 0,05$ ммоль/л гача, қон зардобадаги умумий оксил миқдорини $63,24 \pm 3,71$ дан $73,55 \pm 3,35$ г/л гача, умумий кальций миқдорини $2,16 \pm 0,28$ дан $2,29 \pm 0,59$ ммоль/л гача, анорганик фосфор миқдорини $1,24 \pm 0,14$ дан $1,62 \pm 0,35$ ммоль/л гача ошганлиги кузатилган бўлса, ишқорий фосфатаза ферменти фаоллигининг $1,63 \pm 0,03$ дан $1,28 \pm 0,06$ мкмоль. с/л гача камайганлиги аниқланди.

Ушбу бобнинг саккизинчи бўлими А - гиповитаминозни олдини олишда қўлланилган TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқларнинг клиник кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга бағишланган бўлиб тажрибалар «Амир оқ чашма» МЧЖ шароитидаги 15 бош бузоқларда ўтказилди. Улар 5 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳи ва қолган гуруҳлар тажриба гуруҳлари бўлиб хизмат қилди. Тажрибалар 90 кун давом этди.

А гиповитаминозни олдини олиш бўйича ўтказилган тажрибалари давомида касал бузоқлар бошида ва ҳар ўттизинчи кунда бир марта клиник текширишлардан ўтказилиб турилди.

Назорат гуруҳидаги бузоқлар хўжалик рационидида сақланди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики тажрибанинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,8 \pm 3,24$ °С, 30-кунида $39,5 \pm 1,58$ °С, 60-кунида $39,1 \pm 3,46$ °С ва 90-кунида $38,8 \pm 2,41$ °С ни, пульс сони шунга мос ҳолда $122,3 \pm 4,75$, $116,3 \pm 2,94$, $102,6 \pm 3,81$ ва $96,3 \pm 2,47$ марта/дақиқани, нафас сони $36,6 \pm 1,54$, $35,3 \pm 1,27$, $35,6 \pm 2,29$ ва $34,6 \pm 1,73$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$), иштаҳаси пастлиги тажрибанинг бошида 33,3%, 30-, 60- ва 90-кунларида 66,6% ни ташкил этди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги бузоқларга TRIVITAMIKS препаратидан хар бир бошга, 7 кунда бир марта, 1-ойлигигача 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда ичирилди, 2-ойлигида 1,5 мл ва 3-ойлигида 2 мл дан мускул орасига юборилди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики тажрибанинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,6 \pm 2,29$ °С, 30-кунида $39,5 \pm 3,23$ °С, 60-кунида $39,3 \pm 2,45$ °С ва 90-кунида $39,1 \pm 2,28$ °С ни, пульс сони шунга мос ҳолда $124,3 \pm 3,74$, $114,6 \pm 5,17$, $105,6 \pm 3,27$ ва $94,6 \pm 2,83$ марта/дақиқани, нафас сони $37,3 \pm 1,64$, $36,3 \pm 1,88$, $34,6 \pm 2,84$ ва $33,6 \pm 1,47$ марта/дақиқани ($P < 0,01$; $P < 0,05$), иштаҳаси пастлиги тажрибанинг бошида 66,6%, 30-, 60- ва 90- кунларида кузатилмаганлиги қайд этилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги бузоқларга INTROVIT препаратидан хар бир бошга, 7 кунда бир марта, 1-ойлигигача 5 мл дан, 2-ойлигида 7 мл ва 3-ойлигида 10 мл дан мускул орасига юборилди.

Клиник текшириш натижалари шуни кўрсатдики тажрибанинг бошида тана ҳарорати ўртача $39,7 \pm 2,44$ °С, 30-кунида $39,4 \pm 3,28$ °С, 60-кунида

39,2±2,63 °C ва 90-кунида 38,9±2,78 °C ни, пульс сони шунга мос равишда 118,3±3,34, 110,3±2,47, 101,3±3,67 ва 95,6±2,74 марта/дақиқани, нафас сони 35,3±1,64, 34,3±1,29, 33,6±2,41 ва 32,3±1,37 марта/дақиқани ($P<0,01$; $P<0,05$), иштаҳаси пастлиги тажрибанинг бошида 100%, 30-кунида 33,3%, 60- ва 90-кунларида кузатилмаганлиги қайд этилди.

Тажриба натижаларига асосланиб шундай хулосага келдикки, бузоқларда А- гиповитаминозни олдини олиш бўйича энг самарали натижа иккинчи гуруҳда, яъни кунига бузоқларга TRIVITAMIKS препаратидан ҳар бир бошга, 7 кунда бир марта, 1-ойлигигача 3 мл дан увиз сути ва сутга аралаштирилган ҳолда ичириш, 2-ойлигида 1,5 мл ва 3-ойлигида 2 мл дан мускул орасига қўлланилган гуруҳда кузатилди. Ушбу гуруҳда бузоқларнинг кунлик тана вазнининг ўсиш фарқ назоратга нисбатан 156,8% (24,9 ўрнига 42,2 кг) га юқори бўлди.

Ушбу бобнинг тўққизинчи бўлимида А - гиповитаминозни олдини олишда қўлланилган TRIVITAMIKS ва INTROVIT препаратларининг бузоқлар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга қаратилган тажрибалар натижаси келтирилган. «Амир оқ чашма» МЧЖ шароитидаги 15 бош бузоқларда тажрибалар ўтказилди. Улар 5 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳ ва қолган гуруҳлар тажриба гуруҳлари бўлиб хизмат қилди. Тажрибалар 90 кун давом этди.

А гиповитаминозни олдини олиш бўйича ўтказилган тажрибалари давомида бузоқлар бошида ва ҳар ўтгизинчи кунда бир марта қон намуналари лаборатор текширишлардан ўтказилиб турилди.

Назорат гуруҳидаги бузоқлар хўжалик рационидида озиклантирилди.

